



Газета 1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Жаалқ СўзИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

31 АВГУСТ ДУШАНБА № 170 (421) 1992 йил

Сотувада эркин нархда

Байрамнингиз муборак, азиз юрtingоимлар!

Ўзбекистон ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга. Ислон КАРИМОВ.

ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Олий Кенгаш қарор қилади:
1. Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин.

2. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати республика Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ҳамда уларни Олий Кенгашнинг муҳокама-сига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси республиканинг мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонулар лойиҳалари устидаги ишларни тезлаштирсин.



5. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларнинг республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 31 август.

ЎЗБЕКИСТОН—БМТНИНГ АЪЗОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Хавфсизлик кенгаши бугун 1992 йил 29 январдаги йнғилишида 737 (1992 йил) қарорини овозга қўймай қабул этганини сизга маълум қилишни ўзимга шараф деб биламан. Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этишни Бош Ассамблеяга тавсия қилувчи мазкур қарор қуйдагича: «Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул этиш ҳақидаги мурожаати (аризаси)ни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишни Бош Ассамблеяга тавсия этади».

Шу мавриддан фойдаланиб, ҳукуматингизга шахсий қутловларини изҳор этмоқчиман ва Хавфсизлик Кенгаши раиси кенгаш аъзолари номидан берган қўйидаги баёнотни маълум қилмоқчиман: «Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишни тавсия этгани 737 (1992 йил) қарорини ҳазирга қабул қилди. Бу тавсия тез орада қабул этиш жараёнининг якуновчи босқичида Бош Ассамблея томонидан кўриб чиқилади. Кенгаш аъзолари номидан Ўзбекистон Республикасини шу қувончли ва тарихий воқеа билан табрик-лашдан мамнунман.

Ўзбекистон БМТ низомини бажаришга таянганда ваъда берди ва бу нарса олий даражада табрикланишга лойиқдир. Ўзбекистон мазкур ташкилот олдида турган кўндан-кўп вазифаларни бажаришга ўзининг катта ҳиссасини қўшажигига кенгаш аъзоларининг ишончи комилдир. Биз Ўзбекистон вакиллари ўз касбдошларимиз сифатида табрик-лаб кутиб оламиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча турли тузилмаларида улар билан бирга ишлаймиз, деб умид қиламиз».

Камоли эҳтиром билан: **БУТРОС ГАЛИ,** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Республика таркибиде ўн икки маъмурий вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд. Майдони 447,4 миң квадрат километр, аҳолиси 21,5 миллион киши (1992 йилнинг 1 июнига). Жумҳурият таркибиде 157 қишлоқ району, 123 шаҳар, 104 шаҳар типидеги посёлка мавжуд. Давлатнинг пойтахти — Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси — кўп миллатли давлат бўлиб, бу ерда 129 миллат ва элатлар истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикасини 121 давлат тан олди. Ҳозирча 49 давлат билан дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. 3000 дан зиёд чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил этиш ҳақида шартномалар имзоланди.

САМИИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами куни муносабати билан қизгин саломларимиз ва самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, келгуси йилларда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик янада мустақамланади. Бу дўстлик ўтган йили сизнинг ташрифингиздан кейин яна ҳам кўпроқ ривож топди.

Шу имкониятдан фойдаланиб, Сизга чин дилдан сўхат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равақ тилайман.

Шанкар Дайал ШАРМА, Ҳиндистон Республикасининг Президенти

ХАЛҚ ДИЛИНИНГ ИФОДАСИ

Асрлар силсиласида озодлик учун курашлар қонга ботирилган бўлса, эндилик — ҳақиқий мустақиллик дийрими: га ҳар соҳада тараққиёт йўллари очмоқда.

Мустақилликдан бошқилмас осмонга етибгина қолмай, уни асрашни ҳам билишимиз керак. Хулосини эътиборга олади: ҳақиқий дўстликнинг ўзини ўзи қўриқиб олиш учун шайланганлар ҳаракати-га қарши Президентимиз Ислон Каримов олиб бораётган оқил сўбат халқ дилининг ифодаси, иродаси бўлмоқда.

Барчамиз истиқлолнинг тамал тошини қўйишда жипслашмоғимиз керак. Асримиз бошидан шу кунгача ҳаётнинг пас-ту баландини кўп кўрдик. «Барча халқлар чин озодликка яшайди», — деган айтганча ишондик. Энди шу кўнча юртимизнинг барча фуқаросига мустақилликнинг олий нозматлари буюрсин, йўлимиз брут бўлсин.

Халқимиз қомати тик, раҳберу фуқаролари яқдил, икялари муштаракликда рўбга чиқаверсин.

Ҳалима Носирова, Қомил Яшин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Канада халқи номидан Сиз жаноби олийларига ва мамлакатингиз халқига Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганнинг бир йиллиги муносабати билан энг яхши истақларимизни, табрикларимизни етказишдан жуда мамнунман.

Канада мамлакатингизнинг ўтган бир йил ичида Миллатлар Ҳамдўстлигига қўшилганини табриклайди. Сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда сизнинг куч-ғайратларингизни бундан буён ҳам қўллаб қувватлайверамиз, шунингдек Ўзбекистон билан Канада ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришни истаймиз, деб сизни ишонтираман.

Рамон жон ХНАТИШИН, Канада бош губернатори.

ТАРАҚҚИЁТ ТИЛАЙМИЗ

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаётганидан жуда хурсандман. Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқларини Мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлаб, уларга Америка ҳукумати номидан шундай тилак билдирмоқчиман:

Ўзбекистон қадимий, бой тарихга эга. Унинг қутлуғ ўтмишини бутун дунё аҳли яхши билади ва ҳурмат қилади. Бизнинг ҳукуматимиз, Амери-

ка халқи Ўзбекистон демократияни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида ҳамкорлик қилишни истади. Ишонимизки, икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар янада яхшиланади, кенгайди. Биз Ўзбекистон халқларига тинчлик, тараққиёт ва озодлик тилаймиз. **Майкл Энтони МАТЕРА,** АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЯЛОВИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда овоз бериш натижаларига доир марказий сайлов комиссиясининг маърузаси ва баёнлар тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 38-моддасига мувофиқ ўртоқ Ислон Абдуғанниевич Каримов 1991 йил 31 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 4 январь.

ИФТИХОР

Халқим дунё эллари ичра бир чинор бўлди. Қадрим олам саҳнида матлуб, устивор бўлди. Ўзбекининг номи билан эгиз ному, ор бўлди. Истиқлол ҳар юракка мангулик тумор бўлди. Навад эсанг бог булар тушроғим азиз энди, Хур яшаган бир йилим шархи асрдан кенгдир.

Бугун ҳар гўша қўнғили гулшанида маъводир, Чарақлаган юзларда собит гурур маъводир, Бугун ҳар яроқ узра булбулсафат сайроқ дил, Айтаверсам, юракда «Омийр»лар дарёдир... Эркин тирликлик мулким тилкинсага тенгдир, Хур яшаган бир йилим шархи асрдан кенгдир!

МУҲТАРАМА.

АСРГА ТАТИГУЛИК УШБУ ЙИЛДИР, УШБУ ДАМ,

ТОШКЕНТ: МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ, 1992 ЙИЛ 30 АВГУСТ

ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИ

1991 йил

31 август — Ўзбекистон Олий Кенгашининг VI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон қилинди.

1 сентябрь — Мустақиллик байрами кунини деб эълон қилинди.

5 сентябрь — Ленин номидаги майдон Мустақиллик майдони деб ўзгартирилди.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди.

18 декабрь — Туркия ҳукумати биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини тан олди.

29 декабрь — Республикада Президент сайлови ва Умумхалқ Референдуми бўлиб ўтди.

1992 йил

2 февраль — Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов Давосда (Швейцария) Жаҳон иқтисодий анжуманида пуқ сўзлади.

26 февраль — Ўзбекистон хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа Кенгашига аъзо бўлди.

2 март — Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул қилинди. БМТнинг Нью-Йоркдаги биносида Ўзбекистон Давлат байроғи қўйилди.

16 март — Ўзбекистонда АҚШ элчихонаси очилди.

27 апрель — Туркия Бош вазири Сулаймон Демирел Тошкентга келди.

28 апрель — Тошкентда Туркия элчихонаси очилди.

8 май — Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан Тошкентдаги Киров, Куйбисев, Ленин, Октябрь, Фрунзе районлари номи тегишлича Юнусов, Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтоҳур ва Яқасаров деб ўзгартирилди.

9-10 май — Ашгабатга Урта Осиё ва Қозғоқистон, Эрон, Туркия ва Покистон республикалари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувлари бўлди. Унда Тажан — Серахе — Машҳад темир йўли қурилиши ҳақида келишилди.

15 май — Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви бошланди. У тарихда энг кичи ва энг самарали учрашув бўлди.

2 июль — Ўзбекистон Республикаси давлат раёсатининг туғилган даври қонуни қабул қилинди.

9-10 июль — Финляндияда пойтахти Хельсинкида Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа Кенгашида Ўзбекистон Президентини Илом Каримов пуқ сўзлади ва иккинчи кун у Кенгаш мажлисига расмий қилди. АҚШ Президентини Жорж Буш ушбу йилда Илом Каримов билан учрашиб унинг олиб бораётган сўбатига юзори баҳо берди.

Илом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегацияси расмий визит билан Хитой Халқ Республикаси (14 март), Саудия Арабистони (11 апрель), Жанубий Корея (16 июнь), Малайяга (19 июнь), Индонезияга (22 июнь), Покистон Ислам Республикаси (13 август) ташриф буюрди.



Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли туртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар: — умуминсоний қадриятларга содиқлик; — халқимизнинг маънавий меросини мустақамлаш ва ривожлантириш; — инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; — ватанпарварлик. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил-қўшничлик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб

бекстонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигиндан баҳраманд бўлганлар... Хонадонимиз бошига ташвиш тушганда ва 1966 йил элзиласи Тошкентни вайрон этганда уни қайта тиклашда Ўзбекистонликларга қардош халқлар ёрдамга келдилар. Ўзбекистон 120 дан орტიқ халқ вакиллари учун ўз уйдек бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам улар ўзбек халқига азиздир. Ҳозирги мураккаб вақтда ҳам ана шуларнинг ҳаммаси муқаддас хотира сифатида сақланиб, бизни Тарих ва

БИЗ ТАНЛАЁТГАН ЙЎЛ

Жумҳуриятимиз мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилинаётган шу куларда кўпчиликнинг ўли Мустақиллик майдонига тушаётгани тасодиф эмас. Биз Мустақиллик майдонига ойнаётганларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдик. Уларнинг дил сўзлари ноҳу шарҳга муҳтож эмас, бунинг хожати ҳам йўқ.

ҲАЁТ — БОШ МУАЛЛИМ
Муҳаммаджон АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё вилоятидаги 1 май давлат ҳўжалиги бўлим бошқарувчиси.

— ТОШКЕНТДАГИ байрам тантаналарига бир ўзим келмадим. Беш фарзандим ҳам қаторида. Уларнинг Тошкентга биринчи бор келишлари. Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига, ҳўр Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги нишонланаётган кунда бундай ташрифнинг ўзига хос рамзи бор. Рағидам мактабда муаллим. Бу йил тазлим тизими тубдан ўзгарди. Болаларни

манки, у жуда камтарини, мактавларни хўш кўрмайдиган инсон эди. Ҳолбуки, турмушимизнинг иллати ўлароқ бундай хўшомадўйликлар ҳам кўп бўлган. Ҳайриятки, бутун тузум

БУ ЙИЛ ПАХТАКОРГА ОСОН БЎЛМАЙДИ
Пахтагул ОСТОНАҚУЛОВА,
Сурхондарё вилоятидаги Советобод пахта заводи ишчиси.

— МУСТАҚИЛЛИК байрамга бутун оиламиз билан келдик. Пойтахтга ҳар бир келишимизнинг ўзи байрам бўлади. Хўшнуд чехраларни кўриш, одамларнинг ўзларига ва ўзлари сайлаган ҳўкимиятга қатъий ишончларини ҳис этиш — жуда мароғли. Ўйлашгани, мен қатори жуда кўпчилик Президентимиз Илом Каримовга самимий ташаккурлар айтишни истайди. Биз мустақиллигини байрам қилиш билан бирга унинг мустақамлаш учун меҳнат қилишга тайёрмиз.

ҲАММА НАРСА ВАҚТИДА ФАРЗ
Шавкат ИКРОМОВ,
Янгиқўрғон пахта тозалаш

— ПАХТАКОРларнинг сифатли ва мўл ҳўсал учун курашлари оғир кечини сезиб, корхонамиз жамоаси асбоб-ускуналарни алоҳида эътибор билан таъмирлади. Ўзимизни ҳам янги ҳўсални сифатли қайта ишлашга руҳий ҳўзирладиқ. Ҳўзир эса мен меҳнат



ИСЛОМ ҚАРИМОВ
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ



ЭЗГУЛИКНИ УНУТМАН

Саодат НУРМАМАТОВА, Жиззах вилояти Галлаорол тумани марказий шифохонасининг ҳамшираси.
— Бу йил биз Жиззахликлар муҳим воқеа — таниқли қамарийнинг Шароф Рашидовнинг юбилейига ҳўзирлик кўрмоқдамиз. Депутат ва раҳбар сифатида Ш. Рашидов бутун жумҳуриятда, жумладан Жиззахда ҳам ҳаёт одамлар учун

Самарқанд вилоятидаги заводнинг таснифчиси таътилданаман. Тошкентдаги санаторийда дам олмақдаман. Мустақиллик майдонига қалб амри билан келдим. Мақсадим — одамлар билан қўвончларимизни баҳам кўриш. Ҳадемай корхонамизда зарбдор меҳнат бошланади. Ҳа, ҳамма нарса ўз вақтида фарз.

келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатиға ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати алдини тортиди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатиға доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳўрмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир.

Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик шингини кенг очди, бадарга қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўз-

Абадият олдида янада донороқ ва янада инсонийрақ қилмоқда.

Диёримиз кишилари қадим замонлардан ўзларига маълум бўлган Инсоният билан ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар. Бунга кўпдан-кўп мисоллар бор. Осиёнинг қарбидан Яқин-Шарққа, Оврўпога ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли. Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улўғ аждодаларимизнинг ижодиети ўзининг улўғворлиги ва гўзаллиги билан ҳўзиргача ҳаммаини лол қолдиromoқда. Бизнинг халқимиз авлоддан-авлодга, аждодалар заминига чуқур меҳр қўйиб, ҳар доим яқин ва узоқ халқлар тақдирига бефарқ қарамаган. Янги замонда, бизнинг куларда эса пойтахтимиз Тошкент энг муҳим давлатлараро мулоқотлар ўтказиладиган жой бўлиб қолди, мамлакатлар ва халқларнинг ярашишиға ёрдам берди. Жамоат арбоблари ва ёзувчиларнинг халқроқ Тошкент учрашуви, фестиваллар ва илмий анжуманлар ҳар доим дўстлик ва маданиятнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолади.

• Истиқлол—ғурурим, ифтихорим! ИМТИЁЗ

Жумҳуриятимиз мустақиллигини мустақамлаш ҳар бир кишининг иш фаолияти билан белгиланади. Масалан, чўпон эндиликда ким учун, нима учун ишлаётганини билиш керак. Ҳўзиргача, врач, инженер қаниси даврда яшаётганининг тўғри аниғлиши, келажак авлод олдида қанчалик масъуллигини тушуниб етиши зарур. Ана шундангина мустақиллигимизнинг барча қирраларини бус-бутунлиғига эришамиз.

Кейинги пайтларда пайдарпай нарх ошишлар туфайли айрим савдо ходимларининг тегиригига кетма-кет суғ қўйилмоқда. Улар бундан шахсий бойлик орттириш, давлат дўконидиға молларнинг бир қисмини нарх ошиш олдидан яшириб қўйиш, кейинчалик оширилган нархларда пуллашини одат тарзига айлантириб олдилар. Бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир. Шунингдек, баъзи ҳўқуқ-тартибот ташкилотлари ишидан ҳам норозиликлар келиб чиқаётир. Мустақиллигимиз энди тепапон бўлиб бораётган аини пайтда бундай иллатларнинг содир этилаётгани яхши эмас. Шунингдек, ўз шахсий манфаати, мансаб курсиси

ушбу ёлгон-яшиқларни тўқиб чиқараётган, софидил кишилар обрўсига лой чаплашга ҳаракат қилаётган ўткинчи қимсаларнинг ҳатти-ҳаракати ҳам ўз баҳосини олиши керак. Уларни жиловлаб қўйиш билан тараққийимизга ҳўсамиз, аҳолининг асосий қисмини моддий нўҳматлар ишлаб чиқаришга, ҳалол меҳнат қилишга, ёшлар тарбиясига жалб этган бўламиз. Ўзбекистонимизнинг тараққийини ўлнамизда яшаб меҳнат қилаётган миллатлар ва эллатларнинг ҳамкорлиғида кўрамиз. Яйловда бўлсам ҳам, давлатни бошқариш қийин масала экани, ўзимизни ўзимиз идора қилолмаслиғимиз, ҳали бунга тайёр эмаслигимиз тўғрисидаги гаплар қўлогимга чалинади. Ҳар бир эл-эллат, катта-кичиликдан қатъий назар у халқ бўлиб уюшган, миллат бўлиб шаклланган экан, ўзини ўзи бошқариш қобилиятиға эгадир. Чорвалорларга катта имтиёзлар берилган. Президент фармониға кўра ҳар бир қоракўл тери ўртача 600 сўм, бир килограмм жуи — 135 сўм қилиб белгиланган эди. Лекин айрим хом ашё қабул пунктларида қоракўл тери ва жуи ҳадамон пайстирилган нархларда олиномоқда. Ҳўжаликлар ҳар килограмм сутни ўртача 5 сўмдан етказиб бераётганлари ҳолда, баъзи дўконларда ёлғилик даражаси пасайтирилган аҳолиға етказиб берилаётганини қандай баҳолаш керак. Ўн сўм гўрўҳ харом томоқ ичирса, бунинг эъзаига боийч қирисига берилганлар. Уларнинг талнони ким тортади? Қарши даштини ўзлаштириш ниҳонсига етаётган бўлса-да, чўлда бунёдкорлик ишлари тўхтаган йўқ. Яйловларимизға яқин жой — Шўртандан йирик газ конлари топилди. Талли-маржон ГРЭСи тикланмоқда. Ҳар икки нишоот мустақиллигимиз учун зарур. Бу нишоотларда ўғил-қизларимиз билан бирға бошқа миллат вакиллари ҳам меҳнат қилаётганлар. Дашт-хоми, ҳўжаликларда пахта хом ашёси, чорвачилик маҳсулотлари, ноз-неъматлар етиштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиети қийинчиликларини бартараф этишға хизмат қилади, аҳолининг фаровонлигини таъминлайди. Ҳўжалигимизда қарийб 70 минг қоракўл қўйлар боқилади. Бу йил давлатға 11 минг донаға яқин қоракўл тери етказиб берилди. 300 тоннадан ортки сўтлик сотилди. Йил охириға яна 360 тонна гўш етказиб берилди. 140 тонна жуи топширилди. Ана шу рақамларда меннинг ҳам хизматларим борлигидан фахрланаман. Бокимимдаги 706

Шербой ЖИЯНОВ, Қашқадарё вилояти Нишон районидиға «Нишон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА ВАТАНИМ СОВИТҚАДАМ!

• Публицистика

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ҲОЗИРГИ ҳаётга, ҳар соатда рўй бераётган шакл ва мазмун ўзгаришларига, оғимизда кўзга ташки ҳақиқатлар кун сайин тинчлашиб бораётганига қараб туриб кўнча кўз олдинга «Нокоратпрок» келаверади. Биз журналистлар партиянинг солдатларимиз деб, «кўр-кўро-на «уре-ура!» қилверганимиздан ҳижолат тортаман. Ва, ана шу «уре-ура»ларнинг тағ-заминида нималар ётганини ўша пайтда нега идрок этолмаганимиз тўғрисида ўзимизга савол берсак, бир эрдан ортиқ давр мобайнида юритилган Империя сибсатининг нақадар устумолигига тан бермай иложимиз йўқ. «Урта Осиёнинг Россияга ихтиёрий қўшилганини ва бошқа шу каби боқину-зўравонликлар тарихини тарихдан ўчириб ташлаш учун ҳам аъзамлик икки марта ўзгаририлди. «Улуғ Октябрь» социалистик революциясигача аҳолисининг атиги 3 фозиз саводли бўлган» ўзбекка тасаннолар айтиш керакки, қисқа давр ичда иккита алфавитни ўзлаштириди ва «Совет» даврида ёлписига саводхон» халққа айланди.

Нокоратпрок... Етимчилик йилларининг иккинчи ярмида Россиянинг Нокоратпрок зонасини ўзлаштиришга умумхалқ, умумхалқ «хужуми» бошланди. Бу ҳужумнинг йўл-бошқиси ўзбекистон ССР эди. Мен газета мухбири сибсатидан икки марта Иваново, Новгород вилоятларидаги ўзбекистонлик хашарчилар ҳузуринда бўлиб, уларнинг «жасоратли меҳнатларини мадҳ этган туркум очерклар» ёзганим. «Биродарлик хашари» номли китобни ҳам қилдим. Бу очеркларим учун ўзбекистон журналистлар уюшмасининг мукофотини ҳам олганман. Нокоратпрокни ўзлаштиришни мадҳ этган фақат мен эмас, ўйлаб журналистлар, аъзачилар қўл уришди бу мавзуга. «Долзарб мавзу»да ёзилган қисса ва романлар катта мукофотларга ҳам сазовор бўлган.

Ҳозир менга бир нарса алам қилади: нега ўшанда икки вилоят кишлоқларини кезиб, у жойларда яқин-дуқкам чолу кампирлардан бошқа ерлик аҳолини кўрмаганим сабабларини чуқурроқ ўйлаб кўрмаганман! Сабаблари эса оддий ва галатки эди: ўша кишлоқларини ўша кишлоқларда туғилиб ўсган ёшлар ташлаб кетишган — етигил ва маданий ҳаёт илқинида шаҳарларга жўнаворишган. Уларнинг кўли Тошкентда, ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида яшаётган бўлиши ҳам табиий, ўзбекистонликлар эса «биродарлик хашари» уюштириб, ерлик аҳоли оғир маҳнатида қониб ташлаб кетган зах ва ботқоқ, чақалакор ерларни ўзлаштириб, «Дўстлик», «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Ўзбекистон» номли совхозлар қуриб, Россиянинг шаҳарларида қўлини совуқ сувга текимай яшаётганлар учун озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериши керак. Вожаба!

Яна, ишни кучи ўзбекистондан, қурилиш материаллари ва машина-механизмлар ўзбекистондан, ниҳоят, маблағ ўзбекистондан! Иваново, Новгород, Владимир вилоятларининг ҳар бирига 100 миллион сўмдан маблағ берилган эди!

Бу қадар мажор сибсатини ҳар ким ҳам тушуниб етказармайди. Тушуниб етган тақдирда ҳам, ёш мухбир маколасида биллиб-билмай «ўзбек» деган сўз баса муҳаррир уни «ўзбекистонлик» деб тузатадиган даврда қўлингдан ҳеч нар келмас эди.

Империя парчаланиб, ҳар бир халқнинг ўз эрки ўз қўлига ўтди. Гўё, бир ҳовлида яшаб, бир қозондан ош ичиб келган 15 оила бўлиб қилиб чиқариб юборилди. Ана энди, бу ёнча ким қандай кун кечиршиш — яхши яшаб кетадими ё ҳароб бўладими, Муस्ताқилликни қўлга олган оила бошлиғига боғлиқ.

Ким қандай яшаётганини эса бугун кўриб турибмиз. Ош-нон тақиллиги, қирғинбарот — ўзбекистонга бегона. Кўз тегмасин!

Емон кўздан асраш эса, аввало, оила бошлиғининг ақл-заковати, сўнг оила ҳар бир аъзосининг сая-ҳаракатига боғлиқ. Ўзбекистон оила бошлиғининг оғир ва мураккаб ўтиш давридаги оқил иш йўриғига бугун Ўзбекистон ва Ҳамдўстлик мамлакатларига эмас, дунёдаги юздан ортиқ давлат тан берганини ҳам кўриб турибмиз. Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлмаса, бошқа ҳеч нарса бўлмайди! Узимиз қуруқ гап ва тўқнашулар билан банд бўлиб, айрим кўшни давлатлардаги каби ишни унутамиз.

«Демократия» деб бақирвериш, майдонга ўн минглаб кишини йиғиш билан Туркия ё Америкадаги ҳаётни бизга ҳеч қим оқсондан ташлаб бермаслигини агрофага демократиядан кўриб олишимиз мумкин. Россияда ҳокимият раҳбарлари ўзгарганидан кейин янги раҳбар маннат бунёд этиб беришига ишонсангиз эди. Қани у! Эски раҳбар дарвада экилган қарошкарларни пишиганидан кейин йиғиштириб олишга одам топилмагани — демократиями!

Эшитиб турибман: бу сатрларни ўқиган айрим ўзимиздаги демократлар «бу журналист ҳам ҳамма ўзбек каби қоринни ўйлашдан бошқа ярамас экан», дея захарханда қилишди. Мен эса, бир эрдан ортиқ қулликда, ёлгон-яхши сибсат таъсирида яшаган халқ бугун дарров ҳақиқий демократияга эла-экин тайёрланганимиз керак, демократим. Бунинг учун эса — қорин тўқ бўлиши керак. Қорин тўқ боланинг миясига сабоқ киради.

Ишончим комил: минбарчи демократларнинг биронтасига бирон ҳокимиятни бериб қўйинг — сувага тушган бўлка нондек бўлиб қолади. Бунга ҳамдўстлик мамлакатларидан истаганча мисол келтириш мумкин.

Жойларда ўзаро сўхбатларда одамлар савол беришди: яхши бўлиб кетармикини!

Атрофимизда «яхшиланиш» яққол кўзга ташланаётган айни бир пайтда бунча саволнинг ўзи ўринсиздек туюлади. Насора, асрий қуллик асорати бирдан йўқолмайди: тўрвасизга келиб тушмагунча ишонмаймиз. Тўрва ҳам тўлади, олисини ҳам кўрадикан, жаҳон билан тенг сўзлашадиган кунлар келади.

Муस्ताқил Ўзбекистон бир ёнча тўлди!

Одатда, бу ёшда бола атак-чек қила бошлайди. Ўзбекистон — чопқиллаб юриб кетди. Қадамнинг қутлуғ бўлсин, она ЮРТ!

Ҳабибулла ОЛИМЖОН.

Раҳим АҲМЕДОВ:

РУҲИМИЗ УЙҒОҚ

Мухбиримиз Муस्ताқиллик байрами арафасида Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раҳбари, Ўзбекистон халқ рассоми, танқиди мўйқалда соҳиб Раҳим Аҳмедов билан учрашиб, у кишининг байрам тилакларини эътиборга олди.

— Тарихи тақдирнинг буюк изми ихтиёри-ла халқимизнинг ҳозирги авлоди зиммасига миқсиз жиҳатидан тенгсиз-тағрифсиз ва жуذا катта масъулиятли вазифа юкланди. Миллатимиз узоқ давом этган истибоддан сўнг яна эркин афас ола бошди. Эркинлик ҳавоси халқ таъини сингиши учун унинг руҳи уйғоқ бўлмоғи керак. Муस्ताқиллик ва озошликни сақлаб қоладиган омиллар кўп. Бу аввало муस्ताқам иқтисод, юксак маънавий-маданий тараққиёт ва адолатли сибсатидир. Аммо ватанимизнинг юзини кўрсатадиган ана шундай уллувор меъорларини дунёга очиб кўз билан бақадитган, руҳи бедор одамларгина ҳаёт ҳақиқатига айлантира оладилар. Бундай шарофатли ишга, айниқса, зиелликлар, адиблар санъаткорлар масъулдирлар.

Санъаткор сўзи ҳаминша халқ қалбидан ўрин топган. Унинг тафаккурини чарқлаб ҳақ йўлига бошлаган. Бу сўзнинг қадри бугун ҳам баланд. Чунки халқимиз ўзининг минг йиллик саждаҳоқларига юз бурмоқда. Ўзининг жаҳон саждаҳоқлари қадр-қиммати, зўрлаб бўйилган овозини танимоқда. Ҳаётда қандай машаққатлар бўлмасин, одамларимизда келажакка умид барқарор. Эндилда юртимизнинг машаққату қулфати ҳам, шодна бахтиёрлигино истиқлол-истиқболни ҳам ўзимизники эканлигини англаб етмоқдамиз. Бизда таянган эгаллик туйғуси пайдо бўлмоқда. Муस्ताқилликнинг энг катта меваси — шу деб ўйлайман.

Қўлида мўйқалдан тутиб, озми-кўпми шу юрта кизмат қилган бир рассом сифатида ақли Ўзбекистонини бутун санъаткорлар номига қўтлаб, халқимизнинг олийжаноб ниъатлари муस्ताқоб бўлишини, тўқинлик ва тараққиёт йўлдошимиз бўлишини тилаб қоламан.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ УТҚО ҚАРИМОВГА

Муҳтарам Исом Абдуғаневич, сизни Ўзбекистон Муस्ताқиллигининг бир йиллиги билан қутлайман. Сизнинг куч-ғайратларингиз туғайли шу бахтли қулларга етиб келди. Ҳаминша шундай саховатли бўлинг! Сизга доимо худо ёр бўлсин, халқимиз бахтига ҳаминша омаднингизни берсин.

Сизга муस्ताқам сикхат-саломатлик тилабман.

Бақтўра СУВОНОВ, Венобод райониданги Ленин номи колхоз.

Хурматли Исом Абдуғаневич! Булуқбоши районининг 67 миң кишидан иборат аҳолиси сизни Ўзбекистон Республикасини Муस्ताқиллигининг бир йиллиги билан табриқлайди. Сизга ва оилангизга бахт-саодат, сикхат-саломатлик тилаймиз.

Булуқбоши райони аҳолиси номидан Соябон ИСМОНОВ, Байналмилалчи жағчилар ва чернобишлар жамиятининг раиси.

Қадрли Исом Абдуғаневич! Менинг фарзандларим, невараларим серқуёш Ўзбекистонда туғилган. Шу ерда ўқиган, республиканинг барча халқи қатори умумий фаровонлик йўлида меҳнат қилишди. Ўз номидан ва ворисларим номидан сизни, Ўзбекистон халқини муस्ताқиллик кун билан самимий табриқлайман.

Сизга сикхат-саломатлик, сермашаққат президентлик фаолиятингизда муваффақият тилайман.

Ал. КУЛЬКОВ, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ТАДБИРНОРЛИК САМАРАСИ

Хоразмдаги «Ангара» ширкатининг янги гишт заводи ўзининг биринчи маҳсулотини берди. Бу воқеадаги ширкат ташкилотлари бунёд этган дастлабки корхонадир. Бутун боши заводи барпо этиш учун сарфланган маблағларим миллион сўмга ҳам етмайди. Корхона яроқсиз темир парчалари, агрегат ҳамда ускуналарни қайта тиклаш аъзам жиҳозлангани ортиқча чиқимларга ўрин қолдирмади. Ширкат қарамонидан завод йилга 10 миллион дона иморатбон гишт ишлаб чиқаради.

Ширкат раиси Худойёр Собиров, бош муҳандис Бекчон Қаландаровларнинг уқдиришича, завод ишга тушиши билан жаммоа барпо этаётган бинолар ва қурилиш жиҳозлари таннархи бирмунча арзонлашди. Бу иморат қурилиш учун ширкатга буюртма берган фуқароларнинг маблағларини тежашга ҳам имкон беради.

А. СОБИРОВ.

МУСТАҚИЛЛИК ОБИДАСИ

Жумҳуриятимизнинг бир йиллиги байрами арафасида Қарши район маркази Бешкент шаҳрида катта шодна бўлиб ўтди. Ширкатнинг бош майдонига ўрнатилган муस्ताқиллик обидасининг очилиши маросими бўлди. Муस्ताқиллик обидаси Хумо кўши ўз қанотларига қўтариб турган давлатимиза тизм-солдан иборат. Обида йирик пойдеворга ўрнатилган бўлиб, олти метр баландликка бўй қўшиб турибди. Металл қўшимчалардан маҳорат билан шиланган.

Бу обидани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Салридин Салимов раҳбарлигидаги хўналчи ҳисобиди Қаңқадар вилоти «Рассом» бандий индустриал устасхонасининг бир гуруҳ ишкорлари яратдилар.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• «ХАЛҚ СЎЗИ» АНКЕТАСИ

ФАХР



1. Республикаимиз муस्ताқиллиги тўғрисидаги шахсий тушунчангиз қандай ва унинг муस्ताқамланишини нимада кўрасиз?
2. Кўп миллатли муस्ताқил давлатимизнинг фуқароси эканлигидан фахрланиш, ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш учун сизнингча нима қилиш керак?
3. Ватанимиз муस्ताқиллигини муस्ताқамлашга қандай ҳисса қўшасиз?

Саволларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фандари номзоди Сулаймон АЗИМОВ жавоб беради.

1. Республикаимиз муस्ताқиллиги масаласи оғли ҳаётимда бутун аъзамдан қамраб олган масала эди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шунинг учун Ўзбекистонни муस्ताқил жумҳурият деб эълон қилишини мен бачча одамлардан кўра кўпроқ хурсанд қилди. Чунки бутун оғли ҳаётим ҳаммамнинг кўз олдида, айниқса Сталин қонли диктатураси даврида, унинг системаси яратган турли даражадаги қамқоқоналар, лагерлар ва Сибирь тайгаларида ёгон кесиб, ер қалаб сургунда ўтказди.

Муस्ताқил Республика биринчи навбатда халқлар учун нормал иқтисодий-инсоний ҳаёт яратиб учун бутун кучини шунга қаратиши керак. Ҳаётимизнинг барча қирраларини, тармоқларини қийинчилик кечмоқда. Энг оғир: ер, сув, ҳақ захарларини охиб боқариш. Шунинг учун бошқарув системасининг барча тармоқлари ўз фаолиятини

халқларни жиқлаштиришга қаратиши керак. Бу масалада мен каттаме, сен каттамега бориш — муस्ताқиллигимизга катта эъти қилтиради. Биринчи маҳал халқ муस्ताқиллигини сақлаб қололмайди. Тарихнинг анчқ сабоғи бизга етиб келиши керак. Муस्ताқил жамият ишларининг эркин фаолиятини тақозо этади. Бу эса одамларнинг сибсати, маънавий етилтиради, иқтисодий аҳолини яхшилайди. Истиқлолнинг муस्ताқамланиши кишининг оғли меҳнати билан бўлади. Одам камолоти билан истиқлол бир жараён: улар бир-бирини тўлдирди, бир-бирига боғлиқ нарса.

Узоқ йиллардан бери кеча-ю кундуз кишиларга синдирилди келинган қулқў қилиш психологияси, инсоният руҳи одамларни маънавий паҳна қилмай қўйди, «пассивлаштирди, бепарво-индамас қилди қўйди. Қисқаси, одамларнинг энг яхши фазилатларини ну-

ратди. Тирик бўлиш озаёди, ўлиқлик кунайди. Мана бу ҳолат қарши тинмай кураш олиб бориш, кишилар руҳини жолаптира бориш, қулқў психологиясини кишилар онгидан сикиб чиқариш — энг асосий вазифаларимиздан биридир.

2. Муस्ताқил давлатимизнинг фуқароси бўлигани учун фахрланаман. Ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш ақлоқ тарбиясининг характериға боғлиқ. Сен яшаётган мамлакатнинг барча бойликларини сеники, уларни сенинг ота-буваларинг яратган, ундаги тоғлар, ерлар, сувлар, ер ости ва устини бойликларининг ҳаммаси сеники. Сен ушаларнинг бир қисми. Уларни қўлайтириш ҳам, йўқотиш ҳам сенига боғлиқ. Мамлакатининг гўзаллаштириш, харобга айлантириш ҳам сенига боғлиқ. Одамнинг ўсиб, аюга етиши, илм-фан, техникани ўрганиш, инсоният яратган маънавий бойликларини ўзлаштириб олиш мамлакатининг фаровон бўлишини таъминлайди. Кишилар ўз мамлакатининг фуқароси бўлиши-

дан фахрланиши учун одам кадранининг амалда кўриш керак. Инсон қадрини орға уриш оддий аҳвол бўлиб қолган мамлакатда ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш турли қарорлар ва фермонлар кўп бўлган. Бундай қарорлар, декретлар, фермонлар кўп бўлган. Лекин ҳаммаси қозғола қилиб кетган. Бу эса ўз йўлда ҳалқ онгидан давлат сибсатига, турли декретлар, фермонларга нишонсизлик туғдириди. Давлат давлат ўзининг давлати эмас, аксинча халқнинг нишончда. Мана, олиб қаранг, советлар давлати ўзининг давлати эмас, аксинча халқнинг нишончда. Мана, олиб қаранг, турли тарихда фақат жазо орталарига сувиб келган. Натинжа нима бўлди! Жар ёқасига келиб қолди.

Кишиларни сибсати, маданий, ақлоқий етилши ва мамлакат соғлом тараққиёти бир-бирига боғлиқдир. Бу бир комплекс жараён бўлиб, мамлакатда ҳақиқий давлат тузумининг қадриятини фақат шу йўл билангина аъзамда қилиши мум-

85 га энди кирдим. Яна фойда



• Экспресс интервью: Қалбларда акс-садо

БИР йилдирки, ўзбек халқи 140 дан зиёд мамлакат расман тан олган мустақил давлатда яшайпти. Аммо мустақилман, дейиш бошқа-ю, мустақил яшаш бошқа. Хўш, оддий меҳнаткаш халқ чинакам мустақилликни ўзининг кундалик турмушида росмана кўриб, ҳис этаётганми? «Халқ сўзи» мухбирлари бу савол билан турли соҳа кишиларига мурожаат қилдилар.

ИШБИЛАРМОНЛАРГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Зирлар маҳкамасига мурожаат қилдим. Арзимга кулоқ солишди. Ҳукумат юрган комиссия аҳволни текшириб, ишни менинг фойдамга ҳал этди. Туман ҳокимлиги фирмамизни рўйхатга олиб, қарор чиқарди. Муҳрли бўлди. Энди қурлишни бошлаб юборамиз. Бир ёқдан эски хумдонни ишта тушириб, чойнак-пиёла, коса, лаган, кафель каби чинни буюмларни тайёрлаб чиқараверамиз.

Режа шундайки, фирмамиз тўла қувват билан ишлайдиган бўлгач, йилига 5-6 миллион сўм даромад оламиз. У ёри талаб-эҳтиёжга, яъни ишчи кучи ва хом ашё захираси, маҳсулотимизнинг савдода харидорлигига қараб қувватни ошириш мумкин бўлади. Менинг яна бир асл орзум бор. 1924 йилгача Бухоро амирининг қороз ишлаб чиқарадиган кичик қорхонаси бўлган. Шу ишни қайта тиклаб, катта қорхонага айлантиришмоқчиман. Ишламан, деганларга кенг имкониятлар сари йўл очилапти. Шоядки, мен ҳам эзгу ниятларимга етсам, халқимга хизмат қилсам.

ЎЗЛИГИМИЗГА ҚАЙТСАК НЕ АЖАБ!

Абдумажид АБДУҲАКИМОВ, Тошкент шаҳар Ҳамза номли мусиқа мактаби ўқитувчиси.

ОЗОДЛИККА нима етсин. Ҳатто Навоийдек буюк зот ҳам вазири аъзам бўлишларига қарамай, Астрообда ҳокимлик қилган даврларида ўзларини озод деб билмай: «Олтин қафас ичра қизил гул битса, Булбулга тикондек ошнён бўлмас эмис», деган эканлар. Шу сингари биз ҳам советлар дўстларининг оғзадаги озод фуқароси эдик-да.

Салкам ўттиз йилдан бун музика билан шуғулланаман. Юрагимни бир дард ўртайд. Ҳозир ёшлар ўртасида Европа маданиятига, мусиқасига таълиқ қилиш кучайиб бораёпти. Айниқса, тўйларни айтмайсизми, дангир-дунгир

КЕЛАЖАК ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ

шунчасини иттифоқ фондига жўнатасан, деб кўрсатмалар беришаверарди, ҳатто маҳсулот баҳосини ҳам ўзлари қўйишарди. Бир воқеани айтиб берай: чамаси Янгирма йиллар бурун пилла нархини ошириш ниятида тақлиф-таъсиялар билан Москвага боргандик. Ҳамма ишни Нарх давлат қўмитасининг бош мутахассиси ҳал қиларкан. Ҳузурига кириб пилла етиштириш жараёнидаги меҳнатнинг оғирлигини, шу пайтгача сарф-харажатлар нотўғри кўрсатиб келинганига айтиб, ўзим олиб борган аниқ ҳисоб-китобларни, 60 ўрига 30 фозга оширишга рози бўлди. Чинки кетаётганда тўхта-тиб: «Пилла дарахтда ўса-дики?» деб сўраб қолди. Кўринганим қандай, одамлар ўзлари тасаввурга эга бўлмаган соҳаларни бошқаришган.

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ

Рустам НАРЗИБОВЕВ, захирдаги зобит. ЯНГИРМА беш йил ҳарбий хизматда бўлдим. Бу давр ичда соёб иттифоқнинг кўп жойларига қадимим етди. Шунча жойга бордим, аммо бирорта ўз уй-жойига эга зобитини билмайдим. Соёб раҳбарлар зобитларни мактаб-мактаб, кўйини пуч ёнғоққа тўдирганини кейин тушунаркан, киши. Хизматнинг сўнгги йиллари Самарқандда ўтди. Турмуш ўртоғим Разнохон дорихонада ишларди. Соғлиғи сақлаш ташкилоти хотинимга берган давлат уйда яшардик. Нафақага чинқанимдан сўнг «ўз уйим бўлармикан», деган ҳаёлда юрардим. Вирдан мустақиллик шамоли эсиб, елка-

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ОММАВИЙ ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН БАЙРАМ ДАСТУРИ

31 АВГУСТ
МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ. ВОШ САҲНА
Соат 18-00 дан 23-00 гача

Етагчи профессионал, болалар ва ҳаваскорлар дасталари, Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси асарлари, жаҳон чемпионатлари ва Олимпиадалар ғолиблари ва иштирокчилари, талабалар, ўқувчилар, шунингдек, вилоятларнинг вакиллари иштирокида катта оммавий театрлаштирилган томоша кўрсатилади.

ИККИНЧИ САҲНА (Фаввора ёнида)
Соат 20-50 дан 23-00 гача

Қуйидаги жамоалар иштирокида концерт:
1. «Ялла» Давлат вокал-чолғу дастаси
2. Шаҳбоз Низомитдиновнинг ШОУ гуруҳи
3. «Тош-кент» гуруҳи
4. «Ногоҳ» (Самарқанд) гуруҳи
5. «Гийёҳ» (Бухоро) гуруҳи
6. «Ўзбекистон қизлари» рақс дастаси
7. «Обид» «А» театр-студияси

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ВОҒИДАГИ БАЙРАМ
Соат 11-00 дан 18-00 гача

Воғини барча томоша ва ўйин шаҳобчалари ишлайди. Учта саҳнада Тошкент шаҳри ҳокимлиги Маданият бошқармасининг бадий ҳаваскорлик жамоалари томоша кўрсатишади.

Қўлда ақвадангистлар, сузувчилар иштирокида «Сувда байрам» ўтказилади. Бу байрамда дельтопланлар ҳам иштирок этишади.

Алишер Навоий ҳайкали пойида кун бўйи шёрхонлик бўлади.

Дорбозлар, масҳарабозлар ўз санъатларини намойиш қилашади.

Кун бўйи халқ сайли давом этади.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ МАЙДОНИДАГИ БАЙРАМ
Соат 18-00 дан 22-00 гача

Бу ерда Тошкент шаҳридаги 14 миллий марказ вакиллари жойлашади. Ҳар бир марказнинг миллий фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик дасталари ишлаб

ФАХРИЯ

Шарқ сурмайи, алвон ранг — Ўзбекистон тонги бу. Қайта бошдин туғилган — йўрган, байти янги бу. Ўз пойтахти, ўз тўғи, ўз турғоси мангу бу, Тушлари тонгдан тиниқ ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ.

Чиройда ТОНГ ЮЛДУЗИ билан ёнма-ён ўлка, Ҳар бир тамал тошнинг ўзи бир дoston ўлка, Кеչмиши, кеչирмиши дунёга аён ўлка, Жон фидо қилса арзир ЖАННАТ МАКОНИМ МЕНИНГ.

Боболаримиз ҳоқи-поки шу тупроқ-тошда, Оруз, умид, руҳлари акс этади Қўёшда, Насибамиз, наслимиз биллар бир қарашда, Бир ушалиб, ушаламай КЕЛГАН АРМОНИМ МЕНИНГ.

Сен муқаддас бешигим, онам, она тилимсан, Ўз айтар қўшигимсан, эртам, эзгулигимсан, Мен сенингсиз иполдам, қўқдай мангулигимсан, Боладай кўзга яқин СИР, ЗАРАФШОНИМ МЕНИНГ.

Тупроғи олтинга тенг бу элда нон ўртада, Елкадошлари билан битта хирмон ўртада, Тўй-гомаша, ҳамият, оруз, армон ўртада, Қаторда ўз ўрни бор АЛП-ПАХЛАВОНИМ МЕНИНГ.

Соиларинг сувга сероб, тоғларинг қорли бўлсин, Эрта кунинг яна ҳам боғли, баҳорли бўлсин, Умринг безавол, боқий, ишинг барорли бўлсин, Яшариб, яшайтган ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ БАЙРАМ САҲНАСИ ОРҚАСИДА

Юлдуз УСМОНОВА:

САНЪАТКОР— ХАЛҚ ОДАМИ

— Марғилоннинг қайси мажалласида туғилгансиз?
— Тошкесарда.
— Ўқиган мактабларингиз?
— Э... бу ҳақда ёзмам. Мактабдан мактабга ўтиб, саниқчи синфдан сўнг кечик-да ўқиганман. Угли боладай шум эдим, дарсдан ҳайдаб юборишлари учун атайлаб дарсга кеч кирардим, рўкам-ин беритиб қўярдим.
— Кўнж айтишни кимдан ўргангансиз?
— Ҳамма марғилонликлар қатори отам, онам ҳам хиргой қилиб юришарди. Куйлаша ҳавасим — боғчадан. Ўқувчилгимда саҳнага чиқдим, ўқитувчимиз: «Математика дарсинида ашула айтгандай бўлганимда эди», — дерди.
— Шоқлардан ҳамфикр, иккундай ҳамкорлик қилдиган дўстларингиз борми?
— Йўқ. Мен шёрый китобларни ўқиб қўшиқ учун талаб оламим. Асосан ёшларнинг илк тўпламларини ауро-ла қиламан, чунки уларда дардлик, юракка тегадиган шёрлар кўпроқ. Кейинги пайтларда қўшиқларим мусиқасини ҳам ўзим басталайман.
— Кўрдим: концертингиз бошлангандан олдин созанинг дошларингиз билан тўпланиб фотиха ўқир экансизлар. Ким нима дейди?
— Яратгандан шарманда қилмасликни сўрайман.
— Овозингиз Кўрзон ўқинган жуда ярашса керак. Кирот билан ўқишни хошла-майсанми?
— Ўқийман, ўзим учун.
— Кизингиз Нилуфар...
— ...у ҳам ўзинга ўхшаган шартан, кўли очик, Ниҳоятда саводли, инглиз, француз тилларини биладиган, санъат спортдан хабардор бўлишни орзу қиламан. Хоҳласини ишласин, хоҳласин уй бекаси бўлсин.
— Унинг тўйида «Ер-ёр» айтасанми?
— Йўқ.
— Эстрадамиз Юлдузининг қозону чўмич кўтариб уйла-лашини кўпчилик тасаввур ҳам қилолмас керак. Аслида қандай?
— Санъаткор — халқ одами, ўз ҳаёти мўқим изга тушган бўлмайди. Ойлаб ино-

дий сафарлар... Бунга тушу-ниш керак. Лекин уйда бўл-сам, ўзим пишириб куйдир-ман. Ўзим тайёрлаган таом-ларни яхши кўраман. Нон ёламан.
— Санъаткорлардан кимни ёқтирасиз?
— Исон сифатида Жўра-бек Набиевни жуда ҳурмат қиламан.
— Санъаткор бўлганингиздан афсусланмайсизми?
— Йўқ! Фақат... қийин ша-ронда ишлайман. Асабларимиз яхши эмас.
— Машқурлар манманси-раб кетади, дейишади. Ўзин-гиз ҳақингизда қандай фикр-деси?
— Манманлик, ўзига ортиқ бини қўйиш санъатни ўлдир-ди. Лекин... бошқа томон-ини ҳам ҳисобга олиш керак: халқнинг юзта маросимиди хизмат қилиб, биттасга им-кон тополмасанг, дарров бош-кача лавно беришади. Ахир биз ҳам тирик жонимиз-ку!
— Кўринишингиз ҳаммиса рисоладагидек орши учун парhez салвасангиз керак!
— Қўнчага эртдан кечгача оқатланмасдан юришимизнинг ўзи парhez.
— Санъаткор, афсуски, умрининг айнаи гуллаган пай-тида саҳна билан хайрлаши-гини ҳам мўқим. Сиз келажик-ингизни қандай тасаввур қи-ласиз?
— Бошқа касб эгаллаيمان. Ниятим ҳўққушоусликка ўқим...

— Қандай.. Мактабда яхши ўқимганман, деб айтдингиз-ку!
— Ўзимни энди тушунаман, ўқий олишига ишонман. Катта санъатдан кетгач, ўз фирмамни очиб ўзим прези-денти бўлишни истайман. Мус-тақил Ўзбекистонимизда ҳо-зир очилаётган имкониятлар тўғрисида менинг ниятларим ҳам рўёбга чиқади, деб ўйлай-ман.
— Кўтлўр кунда азиз халқим-гизга тилақларингиз?
— Ҳоп, қаттиқ меҳнат билан тоғларни тўз байрам-ларга буюрсин, биз хизмат-дан чарчамайлик. Шоқларга алоҳида сўзим бор: юрак-ларни зирқиратадиган шёр-ларни куйласин...

Мухтарам УЛУҒ судҳбатлашди.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОВЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Карим БАҲРИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррир-нинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧНИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАР-ҲОДИИ, Шавкат ЯҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Садахор ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажим 7 қозғондан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.